

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



8 МАВЗУ. ДИССЕРТАЦИЯНИ ЁЗИШ ЖАРАЁНИ

Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

**МАВЗУ 13. ДИССЕРТАЦИЈАНИ ЁЗИШ
ЖАРАЁНИ**

ТАДҚИҚОТ ҲИСОБОТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Тадқиқотга тегишли маълумот ва кичик ҳисоботларни бутун жараён давомида ёзиб боришингиз яқуний ҳисоботни ёзишингизга катта ёрдам беради.

Одатда энг охирги муддатларда ёзишни бошлаган талабалар жуда ҳам ёмон натижа кўрсатиш эҳтимоллари юқоридир.

ТАДҚИҚОТ ҲИСОБОТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ҳаёлингизда умумий харитани тузиб олишингиз ва унга кўра асосий калит сўзларни ёзиб боришингиз кейинчалик аниқ фикрлар кўринишида ёзишни бошлаш учун қулайлик туғдиради.

Кўпчилик тадқиқотчилар янги маълумотлар пайдо бўлганлиги ёки ўзгаришлар содир бўлганлиги учун қўшимча равишда маълумот тўплашга киришиб кетишадилар. Бу албатта хато стратегия.

Сиз тадқиқотингиз давомида газета учун янгилик ёзмайсиз ва энг сўнгги янгилик унда акс этиши шарт эмас. Тадқиқотингиз маълум бир муддатни қамраб олади ва ўша муддатларни аниқ ўзингиз учун белгилаб олишингиз яхши натижа беради.

**ТАЙЁР ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЯКУНИЙ
ҲОЛАТГА КЕЛТИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН
ТАХМИНИЙ ВАҚТ**

Боблар ёки вазифалар	Ҳафта
Кириш	2
Адабиётлар шарҳи	4
Методология	2
Натижалар ва таҳлил	8
Хулосалар	2
Жадвал, график, манбалар, иловалар ва ҳкз.	1
Илмий раҳбар билан маслаҳатлар ва қайта кўриб чиқишлар	4
Таҳрир ишлари	3
Жами	26

ЁЗИШ УСЛУБИ

Матн имкон қадар тушунарли ва аниқ ёзилиши керак

Ёзиш услуби ва стилистикаси сизнинг парадигмангиз ва мўлжалланган аудиториянгизга мос келиши керак

Жумлалар 20 та сўздан ошмаслиги мақсадга мувофиқ

Ҳар бир янги ғояни янги абзацдан ёзиш керак

ГРАММАТИКА ВА СЕМАНТИКА

Грамматика, пунктуация ва имло хатолари текширилиши керак

Мавҳум, таҳминий сўзлардан кўра аниқ сўзар ишлатилиши керак

Ишлатиладиган сўзларнинг маънолари текширилиши лозим

Техник сўз ва иборалар учун глоссарий тақдим этилиши лозим ҳамда
жаргон сўзлар ишлатилмаслиги керак

Якуний ҳужжат типографик хатолар, қайтарилишлар, клишелар, қолдириб
кетишларга текширилиши лозим

ДИССЕРТАЦИЯ ДИЗАЙНИГА ОИД КЎРСАТМА

СТРУКТУРА

Маълумотлар мантиқий кетма-кетликда берилиши лозим. Диссертациянинг ҳар бир бўлими мантиқий давомийликка эга бўлиши ва асосий ғояни қўллаб-қувватлаши керак. Ҳар бир элемент кейингисига йўналтириши керак.

Диссертацияни структуралашда диссертация қисмлари стандарт иерархиялаш орқали расмийлаштирилиши лозим.

Боблар, параграфлар ва параграф-ости бўлимлар тегишли кетма-кетликда рақамланиши керак. *Мисол учун, диссертацияда 3.5.5 бўлим ишлатилса, демак у 3-чи боб, 5-параграф, 5-бўлимга тегишли бўлади.*

Жадваллар ва расмлар (графиклар, чизмалар, иллюстрациялар барчаси диссертацияда *расм* деб номлаш тавсия этилади) ҳам стандартлаштирилган ҳолда кетма-кетлик билан рақамланиши лозим. Биринчи рақам боб рақами билан мос келиши, иккинчи рақам эса жадвал ёки расм рақамига мос келиши керак.

ДИССЕРТАЦИЯ ДИЗАЙНИГА ОИД КЎРСАТМА

ФОРМАТ

Бетлар атрофидаги масофа, бет рақамлари, рўйхатларни рақамлаш ёки белгилар орқали рўйхатлаш стиллари, боблар ва параграфлар ҳамда жадвал ва расмлар номларини ёзишда ишлатилган шрифтлар бутун диссертация бўйича бир хил бўлиши
ЛОЗИМ

Одатда 12 ёки 14 шрифт ҳажмида диссертацияни ёзиш тавсия этилади (университет талабларига боғлиқ)

Ишлатилаётган стил ва формат матнни ўқишни енгиллаштиришга хизмат қилиши
мақсадга мувофиқ

Ранглар ёки махсус бўш қолдирилган жойлардан фойдаланиш энг асосий ва муҳим бўлган маълумотларга ўқувчининг эътиборини жалб қилиш учун ишлатилиши
мумкин

Имкон қадар тўқ ранглардан фойдаланиш тавсия этилади, чунки чоп этишда оч ранглар яхши кўринмаслик эҳтимоли катта

Ҳар қайси диаграмма ёки чартларда 4-5 рангдан ортиғидан фойдаланмаган маъқул

СТАНДАРТЛАР

*Хориждаги турли
даражалардаги
диссертациялар узунлиги*

Даража	Сўзлар сони
Бакалавр	10 000-15 000
Магистратура (таълим асосида)	20 000
Магистратура (тадқиқот асосида)	40 000
Докторантура (таълим асосида)	50 000
Докторантура (тадқиқот асосида)	80 000

Битта А4 ҳажмдаги бет инглиз тилида тахминан **500** сўзни ўз ичига олиши мумкин, ўзбек тилида **300 дан** сал кўпроқ сўз олиши мумкин, лекин ҳисоботлар одатда 1.5 интервалда тақдим этилиши сабабли тахминан **10000 сўз 40 бетни** ташкил этади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки жадвал ва расмлар (графиклар, диаграммалар, иллюстрациялар ва ҳкз.) сизнинг диссертациянгиз ҳажмини оширади.

Иловада келтирилган маълумотлар одатда ҳисобга кирмайди.

ДИССЕРТАЦИЯ СТРУКТУРАСИ

1. Кириш	10%
- Тадқиқот муаммоси ва тадқиқот мақсади	
- Тадқиқот аҳамияти, замини ва асослари	
- Диссертация тузилмаси	
2. Адабиётлар шарҳи	30%
- Мавзуга оид мавжуд билимларни баҳолаш	
- Назарий асос	
- Тадқиқот саволи ва фаразлар	
3. Методология	20%
- Парадигмани аниқлаш	
- Методологияни ва усулларни танлашни асослаб бериш	
- Тадқиқот дизайнининг чекловлари	

4. Таҳлил ва натижалар (бу ерга бобларни кўшиш мумкин)	30%
<ul style="list-style-type: none"> - Сизнинг маълумотларингизни таҳлилни, статистик тестлар ва улар натижаларини намоёиш этиш ва муҳокама этиш 	
5. Хулоса	10%
<ul style="list-style-type: none"> - Тадқиқот саволига тегишли натижаларни қисқача ифода этиш - Фан ва билимни ошишига қўшган ҳиссангиз - Тадқиқотингиз чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар - Тадқиқотингизнинг амалиётга тегишлилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти 	
<p>Фойдаланилган адабиётлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Матнда иқтибос ёки ҳавола қилинган барча ресурсларнинг деталлаштирилган, алфавитли (рақамлашган) рўйхати 	
<p>Иловалар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Келтирилган матнга тегишли, лекин диссертациянинг бирор қисмида кўрсатилмаган маълумотлар 	

БОШЛАНҒИЧ БЕТЛАР

<i>Титул варақ</i>	Бу бетга рақам қўйилмайди. Титул варақда диссертация муаллифлари, илмий раҳбар, диссертация мавзуси каби маълумотлар акс этиши мумкин (ОЎЮ талабларига биноан фарқ қилиши мумкин)
<i>Муаллифлик ҳуқуқлари</i>	Бу бетга рақам қўйилмайди. Фақатгина тегишли бўлса ёзилади, акс ҳолда ёзилмайди.
<i>Аннотация</i>	Шу бетдан бошлаб араб рақамларида рақамлашни бошлаш мумкин. Аннотация хориж адабиётларида ёзиладиган Абстрактга (Abstract) мос келади. Ёдингизда тутинг аннотация бу кириш қисми эмас, унда фақат қисқача тадқиқот мақсади, методологияси ва асосий натижалари ифода этилади.
<i>Баёнот (Декларация)</i>	Баёнотни ёзишда ОЎЮ томонидан тавсия этиладиган матнни қўлланг. У қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин: “Ушбу диссертация тўлиқлигича мен томонимдан ёзилган ва фойдаланилган маълумотлар ва материалларнинг манбалари аниқ кўрсатилган”

БОШЛАНҒИЧ БЕТЛАР

<i>Мундарижа</i>	Мундарижада боблар ва параграфлар диссертация бўйича келиш кетма-кетлигида рақамланган ҳолда кўрсатилади.
<i>Жадваллар ва расмлар рўйхати</i>	Тегишлича
<i>Қисқартмалар рўйхати</i>	Одатда ушбу рўйхат алфавит кетма-кетлигида тўлиқ мазмунининг изоҳи билан келтирилади.
<i>Ташаккурнома</i>	Ушбу қисм ихтиёрий бўлиб, диссертацияни ёзишда сизга кўмаклашган ёки ўз ҳиссасини қўшган (илмий раҳбар, дўстлар, оила аъзолари ва бқ.)ларга миннатдорлик билдириш учун ёзилади.

КИРИШ БОБИ

Ушбу боб диссертациянгиз мавзусига оид умумий назарияни беради, яъни унда деталлаштирилган маълумотларни топа олмайсиз.

Одатда кириш бобини диссертацияни тўлиқ яқунлагандан сўнг ёзиш тавсия этилади. Кириш боби 4 ёки 5 параграфдан иборат бўлиши мумкин.

Киришда тадқиқот муаммосини ва мақсадини тушунтириб беришингиз, ўрганилаётган масаланинг қисқача тарихи ва ушбу масала нима сабабдан ўрганишга арзишини, яъни долзарблигини кўрсатишингиз керак бўлади.

Кириш қисмида бирор бир аниқлаган янгилик ёки натижалар келтирилмайди.

Одатда кириш боби кейинги боблар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш билан яқунланади, шу сабабли кириш бобида хулоса қисми бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ БОБ(ЛАР)И

Биз адабиётлар шарҳини мавзуга оид мавжуд билимларни критик баҳолаш, тадқиқотни етакловчи билимларни аниқлаб олиш ва тегишли адабиётларнинг таҳлил этилганлигини кўрсатиш учун амалга оширишимизни таъкидлаган эдик (6-мавзу).

Адабиётлар шарҳи сизга ҳозирда мавжуд ўрганилмаган масалаларни аниқлашга ва натижада асосий тадқиқот саволларини шакллантиришга ёрдам беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, адабиётлар шарҳи мавзу бўйича ёзма мунозара бўлиб, диссертациянинг муҳим қисмини ташкил этади.

МЕТОДОЛОГИЯ БОБИ

Маълумот тўплаш усуллари ва таҳлил қилиш усулларини ўз ичига олади.

Тадқиқот мавзуси учун мавжуд усуллар ва назарий ёндашувлар умумлаштирилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР БОБИ

Ушбу бобни тадқиқот мақсадлари ва саволларини қайта эслатиш билан бошлашингиз керак.

Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг тўлиқ маълумотлари матн, рақамлар, ёки жадваллар кўринишида тақдим этилади ва асосий натижалар таъкидлаб ўтилади.

ХУЛОСАЛАР БОБИ

Ушбу боб кириш боби билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Кириш боби кенг мазмун билан бошланиб кейинчалик торайиб борса, хулоса бобида бунинг акси бўлади.

Тадқиқот мақсадини яна бир бор эслатиш билан бошлаб, ҳар бир тадқиқот саволига тегишли нималарни аниқлаганингизни умумлаштириб ёзинг.

Янги маълумотларни таклиф этманг. Диссертация бўйлаб бир хил терминологияни ишлатганингизни яна бир бор текшириб олинг.

Ушбу бобда илм-фанга қўшган шахсий ҳиссангизни ёзинг, лекин жуда ҳам амбицияга берилманг. Кириш қисмидаги мақсадларга қаранг ва хулосада ушбу мақсадлар эришилганлигига ишонч ҳосил қилинг, эришилмаган бўлса сабабларини ёзинг.

Бундан ташқари албатта тадқиқотингиз чекловларини ҳам ёритишингиз керак бўлади ва бу келажакдаги тадқиқотлар учун тавсиялар учун асос бўлади.

ХУЛОСАЛАР БОБИ

Ўзингизни танқид қилишга кўрқманг, бажара олмаган вазифаларни ҳамда олган тажрибангизни ҳам ёзишингиз мумкин.

Диссертацияни юқори позитив оҳангда яқунлаш учун сиз томонидан олинган натижалар ва топилмалар амалиётда қандай қилиб фойдаланилиши ва у қандай самара беришини ёритинг.

Агар диссертацияни оғзаки ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган бўлса унда ушбу боб алоҳида эътиборни тортади, чунки кўп ҳолларда комиссия аъзолари айнан ушбу бобни синчковлик билан ўқийдилар. Шу сабабли, радикал баёнотлар ёки ошириб кўрсатишларни ёзишдан эҳтиёт бўлинг. Агар сиз ҳақиқатда эътиборга молик янгиликни аниқлаган бўлсангиз, уни тўлиқ муҳокама қилиш ва шижоат билан ифода қилишга ҳаракат қилинг. Шу билан бирга аввалги қилинган тадқиқотларнинг ҳиссасини ҳам унутманг.

ДИССЕРТАЦИЯНИ БАҲОЛАШ УЧУН УМУМИЙ МЕЗОНЛАР

Элемент	Мезон
Мақсад	Аниқлилиги
	Тегишлилиги
	Эришилиши
Тадқиқот дизайни	Мос келиши
	Рационаллиги
	Баҳоловчи вазифасини бажариши
	Ишонарлилиги
	Яроқлилиги
Адабиётлар шарҳи	Мос келиши
	Манбаларнинг мавжудлиги

ДИССЕРТАЦИЯНИ БАҲОЛАШ УЧУН УМУМИЙ МЕЗОНЛАР

Элемент	Мезон
Маълумотлар тўплаш ва таҳлил	Бирламчи/иккиламчи
	Мақсадга тегишли эканлиги
	Таҳлил сифати
Хулосалар	Исбот асосидаги ишончлилиги
	Таклифлар
Тақдимот	Услуб, фойдаланилган тил
	Аниқлиги
	Жадвал, расм, графикларнинг ишлатилиши
Ички ўзаро боғлиқлик	Сўзларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги
	Давомийлик
	Мақсад ва хулосалар
Академик билимнинг интеграцияси	Оригиналлик, ташаббус
	Ўрганиш жараёни

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИНИ
ЎЗИШ,
РАСМИЙЛАШТИРИШ
ҲАМДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**5A230203 –“Лойиҳа бошқаруви”
(Project Management)**

магистратура мутахассислиги учун

МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

- магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш;
- ўқув режада назарда тутилган барча турдаги топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш, шунингдек, магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- Олий мактаб низоми талабларига ва ички тартиб қоидаларига риоя этиш.

МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиётни, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш;
- Олий мактаб ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек Олий мактаб уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;
- илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;
- ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этиш;
- Олий мактаб Илмий кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий таълим (илмий) муассасалари ва уларнинг ҳамкор ташкилотлари, республикадаги вазирлик, идора ва муассасалар, корхоналарда амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш.

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА МАГИСТРАНТ:

- танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
 - илмий изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ҳамда йўлларини ўрганиши;
 - ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки тасвирлар (жадвал, расм) шаклида мужассамлантира олиши;
 - соҳа бўйича ечилаётган илмий масала ҳолатини таҳлил қилиши;
 - қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралисини аниқлаши;
 - энг самарали муқобил ечимни илмий жиҳатдан асослаб бериши;
- илмий масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИ МАГИСТРАНТЛАР МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШИДАН АСОСИЙ КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТДИР.

- танланган мавзунинг умумназарий асосларини чуқур тадқиқ этиш, шу мақсадда, илмий адабиётларни излаб топиш, улардаги зарурий маълумотларни жамлаган ҳолда маълумотлар базасини шакллантира олиш қобилиятини ривожлантириш;
- жамлаган маълумотлар базасини таҳлил этган ҳолда, илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;
- мавзу юзасидан илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш ва илмий хулосаларни бериш;
- тадқиқот объектига тегишли назарий ва амалий маълумотларни умумлаштириш ҳамда уларни иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланиш асосида тадқиқ этиш қобилиятини шакллантириш;
- таҳлил натижаларига асосланган ҳолда долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан магистрант томонидан илмий таклифлар бериш қобилиятини шакллантириш.

Диссертацияга **илмий раҳбарлик** Олий мактаб профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар олимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

Диссертация мавзуси долзарб ҳамда республика,
Олий мактаб тадқиқотларининг асосий устувор
йўналишлари билан боғлиқ бўлиши лозим.

Диссертация мавзуси мутахассислик шифрига ва
таълим хусусиятига мос келиши керак.

Диссертацияларнинг намунавий мавзулари кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан (ташкилотларнинг ўз ечимини кутаётган ва истиқболли масалаларини ҳисобга олган ҳолда) ўқув йили бошланишигача шакллантирилади ва зарурият бўлганда буюртмачилар билан келишилган ҳолда, Олий мактабнинг ташқи алоқалар ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Диссертацияларнинг **мавзулари** Олий мактабда шартнома ва лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг бир қисми бўйича ҳам шакллантирилиши мумкин.

Диссертация **мавзуси** долзарб илмий–тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифани ечишга бағишланган, шунингдек мутахассисликка мос бўлиши лозим.

Айрим ҳолларда, кафедра томонидан тавсия этилган **мавзулар** рўйхатидан ташқари ҳолатларда, магистрант ўзи танлаган тадқиқот мавзуси долзарблигини исботлаб берса, йиғилиш қарори билан рухсат берилади.

Диссертация мавзусини ўзгартиришда **илмий раҳбарнинг розилиги** ҳисобга олинади.

Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот 1 ҳафта муддатда магистрантлар фамилияси, исми, шарифи ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда Олий мактабнинг расмий сайтида эълон қилинади.

МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ:

- магистрант ўтказган тадқиқотлар ва у яратган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммо ҳал қилинган;
- тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилган;
- жорий этилиши фан ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга ҳисса қўшадиган илмий асосланган ечимлар ўз ифодасини топган *юқори малакавий илмий асар* бўлиши керак.

ДИССЕРТАЦИЯ ҚУЙИДАГИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ:

- диссертациянинг титул варағи;
- икки тилдаги (ўқитиш тили ва инглиз тилида) диссертациянинг қисқача аннотацияси (3-илова асосида);
- мундарижа;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар (агар мавжуд бўлса).

Диссертациянинг титул варағи Олий мактаб томонидан тасдиқланган намуна (*1-иловага қаранг*) бўйича расмийлаштирилади.

Диссертациянинг **титул варағи** ва диссертация автореферати муқовасининг орқа томонида *битта илмий раҳбар* кўрсатилади. Зарур ҳолларда, кафедра рухсати билан битта илмий маслаҳатчи ҳам кўрсатилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ(14 шрифт)

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ (14 шрифт)

Қўлёзма ҳуқуқида (12 шрифт)
УДК 336.76(575.1)

ЖЎРАЕВ САРДОР АЪЗАМОВИЧ (14 шрифт)

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (16 шрифт)

5A230203 –“Лойиҳа бошқаруви”
(Project Management) (14 шрифт)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация (14 шрифт)

Илмий раҳбар
и.ф.д., проф. Иминов Одилжон Каримович (14 шрифт)

ТОШКЕНТ - 2016 (14 шрифт)
(титул варази олди бети)

(титул варази орқа бети)
Диссертация БТОМ “Инвестициялар ва лойиҳа бошқаруви”
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар и.ф.д., проф. Иминов Одилжон Каримович
имзо Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи

Расмий оппонент и.ф.н. Рахмонов Дилшод Алижонович
имзо Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи

Кафедра мудир и.ф.н., Холбаев Бахром Авазбаевич
имзо Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи

Магистратура
дастури бошлиғи и.ф.н. _____
имзо Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи

Магистрант ЖЎРАЕВ САРДОР АЪЗАМОВИЧ
имзо Фамилияси, исми, шарифи

Мундарижада барча мавжуд боб (бўлим)лар, параграф (қисм)лар ва бандлар (агар охиригиси номланган бўлса) номлари ҳамда уларнинг бошланиши жойлашган саҳифа бетлари кўрсатилган бўлиши керак. Бунда бир хил поғона номлари бир вертикал чизиқ бўйича, кейинги ҳар бир поғона номлари эса олдинги поғона номларига нисбатан чекинган ҳолда жойлаштирилиши керак.



МУНДАРИЖА

2-илова

Кириш.....	3
I боб. Глобал молиявий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида халқаро молия бозорини барқарор ривожланишининг назарий асослари	10
1.1. Халқаро молия бозорларида инқирозларнинг шаклланиши ва уларни бартараф этишнинг назарий асослари	10
1.2. Молиявий глобаллашув шароитида молия бозоридаги инқирозларнинг ривожланиш омиллари ва тенденциялари	18
1.3. Глобал молиявий – иқтисодий инқироз шароитида халқаро молия бозорини тартибга солиш усуллари ва механизми	22
I боб бўйича хулосалар	
II боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро молия бозорига таъсири ва унинг амалдаги ҳолати	28
2.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида халқаро капиталлар ҳаракатининг таҳлили	36
2.2. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фонд бозорлари асосий фаолият кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати	44
2.3. Ҳосила молиявий воситалар билан операцияларнинг жорий ҳолати таҳлили ва унинг молия бозори барқарорлигига таъсири	54
II боб бўйича хулосалар	
III боб. Ўзбекистон молия бозорини жаҳон тажрибалари асосида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	60
3.1. Ўзбекистон молия бозорининг шаклланиши, жаҳон молиявий инқирозининг унга таъсири ва мавжуд муаммоларнинг моҳияти	66
3.2. Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	72
III боб бўйича хулосалар	
Хулоса	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84
Иловалар	89

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

Магистратура дастури	Магистрант _____
Кафедра _____	Илмий раҳбар _____
Ўқув йили _____	Мутахассислиги _____

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ


- мавзунинг асосланиши ва долзарблиги;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- ишнинг мақсади ва вазифалари;
- илмий янгилиги (асосий натижалари);
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари
- тадқиқот методикаси тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи;
- иш тузилиши ва таркиби;
- хулоса ва тақлифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Илмий раҳбар	_____ ФИО (имзо)
Магистрант	_____ ФИО (имзо)

А-4 ўлчамли ёзув қоғозида магистрлик диссертациясини ёзиш
ТАРТИБИ:

Диссертация бетлари қуйидагича ёзилиши лозим:

Чап томондан - 30 мм
Юқоридан - 25 мм
Ўнг томондан - 20 мм
Пастдан - 15 мм



5-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
(14 шрифт)

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ (14 шрифт)

ЖўРАЕВ САРДОР АЪЗАМОВИЧ (14 шрифт)

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўЛЛАРИ
(16 шрифт)

Мутахассислик: 5A230203 –“Лойиҳа бошқаруви”
(Project Management)

Магистр академик даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ (16 шрифт)

(Автореферат титул ва рағзи орқа бетин)

Диссертация БТОМ “Инвестициялар ва лойиҳа бошқаруви”
кафедрасида бажарилган



Илмий раҳбар **иқтисод фанлари доктори, профессор**
Иминов Одилжон Каримович

Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи

Расмий оппонент **иқтисод фанлари номзоди**
Раҳмонов Дилшод Алижонович

Илмий даражаси ва унвони, фамилияси, исми, шарифи



Диссертация 2020 йил «__» _____ соат ____ да _____ хонада
магистр академик даражасини олиш учун Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимоя қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод кўчаси, 25-уй.

Диссертация билан Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Лойиҳа
бошқаруви магистратура дастури бўлимида танишиш мумкин.

Автореферат 2020 йил «__» _____ да топширилди.

Давлат Аттестация
Комиссиясининг котиби

Шартли белгилар, бирликлар, символлар ва терминлар рўйхатида ишда нисбатан кўп учрайдиган ҳарфли белгилар, символлар берилиши (тушунтирилиши) шарт. Бундай рўйхатга диссертация матнида уч мартадан ортиқ ишлатилган аббревиатураларгина киритилади. Кўп сонли ҳарфлардан ташкил топган (қоида бўйича тўрттадан ортиқ бўлмаган), шунингдек, айтилганда кўпол янговчи аббревиатураларни тузиш тавсия қилинмайди.

Диссертациянинг **кириш** қисми ишнинг моҳиятини тушунишни енгиллаштириши лозим. Унда диссертация тадқиқотининг *объекти ва предмети* аниқ ва лўнда ёритилиши, тадқиқот мавзусининг *долзарблиги* асосланиши лозим.

Диссертациянинг **кириш** қисми - ишнинг бошланғич қисми бўлиб, ишнинг асосий маъносини қисқача баён қилиш ва мавзу долзарблигини асослаш учун хизмат қилади. Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблигини асословчи далиллар, диссертацияни ёзиш жараёнида тадқиқ этиладиган муаммолар, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда унинг амалий аҳамияти акс эттирилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ КИРИШ ҚИСМИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛИШИ ЛОЗИМ:

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- илмий янгилиги;
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили);
- тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- иш тузилмасининг тавсифи.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ
КАМИДА УЧ БОБДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, БОБЛАР ҲАЖМ
ЖИҲАТИДАН ЎЗARO МУТАНОСИБ БЎЛИШИ ВА
ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛИШИ ЛОЗИМ:

- тадқиқот мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили;
- тадқиқот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни;
- тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёни.

ДИССЕРТАЦИЯ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ ЛОЗИМ:

- а) материални баён қилишда диссертация бобларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, боблар ичида параграфлар ва бандлар алоқадорлиги ҳақида ўқувчига аниқ тушунча бера оладиган мантиқий изчиллик;
- б) далилларнинг ишончлилиги;
- в) баён қилинган фикрнинг бошқача талқинини истисно қиладиган тарзда аниқ ва қисқа бўлиши;
- г) баён қилинган хулоса, таклиф, тавсия ва бошқа фикрлар тадқиқотнинг мантиқий ҳосиласи сифатида ишонарли манбалар асосида аниқ ва қисқа ифодаланиши зарур;
- д) тадқиқотнинг ҳар бир бобида хусусий масала (масалалар)нинг ечими натижалари аниқ баён қилиниши.

Хулоса бутун диссертация диссертациясининг хулоса қисмида барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ёритилади. Хулоса қисми 4 саҳифадан ошмаслиги керак.

Хулосада диссертация тадқиқоти бўйича умумлаштирилган хулоса, таклиф, тавсиялар қисқа ва аниқ келтирилиб, амалиётга жорий этишга тавсия қилиш мумкин бўлган илмий натижалар келтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати диссертация матнида мурожаат қилинган барча илмий, адабий ва бошқа манбаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Диссертация мавзуси бўйича фойдаланилган адабиётлар *асосан охириги ўн йил ичида эълон қилинган* бўлиши тавсия этилади.

Диссертация мавзуси юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхатини *б-иловага* мувофиқ тарзда расмийлаштириш тавсия этилади.

Диссертацияда *фойдаланилмаган ва ҳавола қилилмаган адабиётларни рўйхатга киритиш мумкин эмас.*

Магистрант ўз диссертациясида фойдаланган материаллар **манбаини, уларнинг муаллифи ва номини тўлиқ кўрсатиши** лозим.

Ҳаммуаллифликдаги илмий иш натижалари **фақат биргина** магистрантнинг диссертациясига тўла-тўқис киритилиши мумкин.

Ўзга материаллардан (цитата, жадвал, формула, график ва бошқалар) манбага ва унинг муаллифига хавола берилмай (кўрсатиб ўтилмай) фойдаланилганда, диссертация қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда **кўриб чиқишдан олиб ташланади.**

Иловалар. Иловаларга диссертация матнини тўлдирувчи ва тасвирловчи қуйидаги ёрдамчи материаллар киритилиши мумкин.

Диссертациянинг **илова** қисмига унинг мазмун моҳиятини тушуниш учун зарур бўлмаган, қўшимча сифатида қаралувчи маълумотлар киритилади. Бунда илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг $1/3$ қисмидан ошмаслиги лозим.

Иловалар кетма-кетлиги тартиби диссертацияда уларга муурожаат қилиш тартибига мос келиши ва фойдаланиш қулайлигини таъминлаши керак.

Диссертация матни компьютерда Microsoft WORDнинг «Times New Roman» шрифти 14 кегел катталигида 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонига ёзилган бўлиши керак.

Диссертация матни ҳамда бошқа қисмлар баёнида ҳарф ва белгилар қора рангда, уларнинг кўриниши аниқ, бўёқлар суркалмаган бўлиши керак. ҳарфлар ва белгилар қатор, бет ва бутун диссертация бўйича бир текис бўлиши керак. Матнларни қўлда қисман ёзишга рухсат берилмайди.

Диссертация бетларида матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 25 мм, ўнг томони 20 мм, қуйи томони 25 мм бўш бўлиши керак (4-илова асосида).

Диссертациянинг барча бетлари титул варағидан охиригача тушириб қолдирилмай, такрорсиз, тўлдиришларсиз тартиб билан рақамланади. Биринчи бет титул варағи ҳисобланиб, унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга “2” рақами қўйилади ва хоказо. Тартиб рақами бетнинг юқори томонининг ўртасига қўйилади.

Диссертациянинг ҳар бир боби янги бетдан бошланади. Ушбу қоида ишнинг бош қа асосий тузилмавий қисмлари: мундарижа, кириш қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловаларга ҳам тегишли. Диссертация боблари ва параграфларининг номланиши бош ҳарф билан ёзилади. Диссертация боблари рим рақами билан параграфлари эса араб рақамлари билан белгиланади. Масалан, I, II, III-боб, 1.1, 1.2, 2.1, 2.2-параграф кўринишида. Асосий қисм ичидаги боблар ва параграфлар сарлавҳаларини ёзишда бўғин кўчиришга рухсат берилмайди ҳамда сарлавҳа охирида нуқта қўйилмайди. Диссертациянинг ҳар бир боби янги бетдан ёзилади. Диссертациянинг боблари ва параграфларининг номи алоҳида, асосий матндан ажратиб ёзилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
 - II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
 - III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари
 - IV. Асосий адабиётлар
 - V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар
 - VI. Интернет сайтлари
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати боблар бўйича келтирилади ва ундаги келтирилган манбалар бобдан бобга ўтишда кетма-кетлигини йўқотмаган ҳолда рақамланади.

Адабиётлар қуйидаги тарзда расмийлаштирилади:**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1995.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: 14 декабрь 2000 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон “Банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент, «Ўзбекистон», 2005. 528 бет.

Асосий адабиётлар:

1. Ваҳобов А. В., Жумаев Н., Бурхонов У. «Халқаро молия муносабатлари». Т.: «Шарқ», 2003.
2. Krugman, Paul R, Maurice Obstfeld, Marc J. Melitz. International economics : theory & policy. Addison-Wesley, 9th ed. 2012.

Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

1. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш йўлида // Бозор, пул ва кредит – Тошкент, 2009. – №8 – Б. 6-10.

Интернет сайтлари қуйидаги тартибда келтирилади:

1. <http://www.imf.org> (веб-саҳифа билан бирга маълумотнинг тўлиқ линки келтирилиши шарт).

ДИССЕРТАЦИЯДА КЕЛТИРИЛГАН ЖАДВАЛЛАР ВА РАСМЛАРНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШ ТАРТИБИ

Диссертацияда келтирилган жадваллар тартиб билан рақамланиши зарур. Жадвалнинг рақами унинг тепа қисмида ўнг томонида қайд қилиниши керак. Жадвалдаги кўрсаткичлар битта ўлчовда ифодаланадиган бўлса, жумладан, млн. сўм., млрд. сўм., минг тонна., ва бошқалар каби ўлчов бирликлари жадвалнинг тепа қисми, ўнг томонида, сарлавҳадан пастда кўрсатилади.


Масалан:

1-жадвал**Японияда етакчи корпорацияларнинг капиталлашуви (2011 йил ҳолатига кўра)**

Компаниялар	Млрд.долл	Компаниялар	Млрд.долл
Toyota Motor	115	Mizuho Financial Group	32
NTT DoCoMo	80	KDDI	29
Nippon Telegraph & Telephone	68	Mitsui	28
Mitsubishi UFJ Financial	60	Seven& I Holding	25

Манба: The Financial Times – The FT 500.

Жадвал графаларининг сарлавҳалари бош ҳарфлар билан, сарлавҳачалар эса, агар улар сарлавҳа билан битта гапни ташкил этса, кичик ҳарфлар билан, агар улар мустақил бўлса, катта ҳарфлар билан бошланиши керак. Шунингдек, диссертацияда келтириладиган расмлар ҳам муайян тартиб асосида рақамланиши талаб қилинади.



1-расм. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиги динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)³

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) *Business Research* 2nd edition, Palgrave Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) *Research Methods for Business Students*. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) *Real World Research*. Third edition.
4. Walliman N. (2011) *Research methods: the basics*. Taylor and Francis group. London and New York.
5. Добренъков В., Осипова Н. *Методология и методы научной работы*. М.: КДУ, 2012.
6. Кузьменко, Г. Н. *Философия и методология науки: учебник для магистратуры* / Г. Н. Кузьменко, Г. П. Отюцкий. — М. : Издательство Юрайт, 2014. — 450 с.
7. Новиков А.М., Новиков Д.А. *Методология научного исследования*. М.: Либроком, 2015.
8. Шкляр М. Ф. *Основы научных исследований. Учебное пособие для бакалавров* / М. Ф. Шкляр. — 4е изд. — М.: Издатель скоторговая корпорация «Дашков и К°», 2012. — 244 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. *Методология научного исследования: Учебное пособие*. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. *Методы экономических исследований: Учебное пособие*. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. *Основы научных исследований: Учеб. пособие* / Челябин. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. *Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие* / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Очилов Б.Э. *Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций*. – Т.: ТашГИВ, 2009.
6. Сабитова Р.Г. *Основы научных исследований: Учеб. пособие* / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.
7. Болдин, А.П. *Основы научных исследований: учебник для студ. Учреждений высш. проф. образования* / А.П. Болдин, В.А. Максимов. М.: Издательский центр «Академия», 2012. – 336 с.
8. Новиков А.М., Новиков Д.А. *Методология: словарь системы основных понятий*. М.: Либроком, 2015.

Интернет сайтлари

1. www.natlib.uz
2. www.springer.com
3. www.e-library.ru



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!!!**